

Фуқаро муҳофазаси тузилмаларини ривожлантириш истиқболлари

Шу йилнинг 11 август куни мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳридаги “Максам-Чирчиқ” аксиядорлик жамиятида Фавкулудда вазиятлар вазирлиги томонидан “Мустақиллик йилларида Фуқаро муҳофазаси тузилмаларини ривожлантириш истиқболлари” мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

Мазкур семинарни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, мустақиллик йилларида фуқаро муҳофазаси тузилмаларини табиий ва техноген тусдаги фавкулудда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш борасида эришилган ютуқларни тафтиш этишдан иборат бўлди.

Дарҳақиқат, истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ республикада фуқаро муҳофазаси соҳасида амалга оширилган тадбирлар натижасида тузилмаларни фавкулудда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, фуқаро муҳофазаси тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири – Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг 2007 йил 10 ноябрдаги 3-сонли буйруғи билан “Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси тузилмалари тўғрисида”ги Низом тасдиқланди.

Бундан ташқари, фуқаро муҳофазаси тузилмаларини фавкулудда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида идора ва ташкилотларнинг ишчи ва хизматчиларини 15 соатли дастур асосида, раҳбарлар таркибини эса ҳудудий Фавкулудда вазиятлар бошқармалари Аҳолини ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш марказларида ҳамда Фуқаро муҳофазаси институтида тайёргарликдан ўтишлари йўлга қўйилган.

Олинган билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш мақсадида тизимли равишда кўмондонлик-штаб ва махсус-тактик ўқув машқлари, “Фуқаро муҳофазаси кунлари”, семинар ва тренинглар ўтказилиб борилмоқда.

Охирги беш йил давомида **200 дан** ортиқ кўмондонлик-штаб, **2,5 мингга** яқин махсус-тактик ўқув машқлари ўтказилди.

Фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг тайёргарлик сифатини ошириш мақсадида меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 9 июлдаги “Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 184-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, ҳудудий аттестатсия комиссиялари томонидан жойларда иқтисодиёт объектларининг қутқарувчилари аттестатсиядан ўтказилди.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 22 июндаги “Қутқарув хизмати ва қутқарув тузилмаларининг қутқарувчиларини мажбурий суғурталаш тўғрисида”ги 166-сонли қарори тасдиқланди. Бу эса ўз навбатида, фуқаро муҳофазаси тузилмалари шахсий таркибини ижтимоий ҳимоялашнинг янги босқичи бўлиб хизмат қилади.

Ўтказилган семинар давомида Фавқулодда вазиятлар, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Қизил ярим ой жамияти, Давлат санитария ва эпидемиология назорат маркази ҳамда “Максам-Чирчиқ” аксиядорлик жамиятининг қутқарув куч ва воситалари томонидан кимёвий ишлаб чиқариш объекти ҳудудида техноген хусусиятли авария содир бўлганда унинг оқибатларини беталафот бартараф этишга бағишланган амалий ўқув машқи ўтказилди.

Ўқув машқидан сўнг семинарга навбат берилди. Семинар аввалида меҳмонлар тадбирга жалб этилган вазирлик ва идоралар томонидан ташкил этилган кўргазмага таклиф этилдилар. Семинарнинг асосий қисмида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, “Максам-Чирчиқ”, “Ўзбекистонги темир йўллари”, “Ўзбекенерго” аксиядорлик жамиятлари мутахассислари мавзуга оид қизиқарли маърузаларини видеоролик ва слайдлар орқали йиғилганлар эътиборига ҳавола этдилар.